

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

2023-yil
28-mart
seshanba
№ 38 (4790)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ВАЗИФА ВА ВАКОЛАТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Маълумки, Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 16 мартдаги мажлиси қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегараларида 14 та референдум округлари ташкил этилди, референдум ўтказувчи округ комиссиялари тузилиб, уларнинг таркибига турли соҳа вакиллари киритилиб, жами 266 нафар аъзодан иборат этиб тасдиқланди.

Мазкур референдум ўтказувчи округ комиссиялари қандай вазифаларни бажаради, уларнинг ваколатлари нимага иборат?

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Баҳодир Юнусов ўз ақида-ларини сўзлаб берди:

– Ре-

ферендумни муносиб ташкил этиш ва ўтказишда, албатта, референдум комиссияларининг ўрни муҳим, чунки айнан улар мазкур жараёнларга масъул ҳисобланади, – дейди МСК аъзоси. – Хусусан, референдум ўтказувчи округ комиссиясининг ваколатлари «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилни кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади. Референдум ўтказувчи участка комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Бундан ташқари, маблағларни референдум ўтказувчи участка комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлашнинг назорат қилади ва округда референдумни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш

нинг бошқа масалаларини кўриб чиқади.

Референдум ўтказувчи округ комиссияси референдумга тайёргарлик кўриш давомида тарғибот-тушунтириш ишларининг ташкил этилиши ва ёритилишида оммавий ахборот воситаларига қўмаклашади. Шунингдек, қонунчиликка кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди.

Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб бориш, референдум ўтказувчи участка комиссияларини овоз бериш бюллетенлари билан таъминлаш, округ бўйича овоз бериш яқунларини аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш каби вазифалар ҳам референдум ўтказувчи округ комиссияси ваколатига қиради. Бундан ташқари, ушбу комиссиялар овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади.

Мухтарам КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири

ШУ ЙИЛНИНГ 30 АПРЕЛЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН «ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI TUG'RISIDA»GI ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYAVIY QONUNI LOYIHXASI BUIYICHA REFERENDUMGA QIZGIN TAYIYRGARLIK KURILMOQDA. MAZKUR REFERENDUMNI MILLIY QONUNCHILIKKA MOS TARZDA, UOUSHOQLIK BILAN TASHKIL ETISHDA REFERENDUM KOMISSIYALARI MUHIM URIN TUTADI.

Келгуси сонларда ўқинг...



Қалдирғочга қалбингни оч



Ҳаммаси тарбия ва чорага боғлиқ



Адоват эмас, адолат йўлини танланг

Наманган вилояти

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Турмуш ўртоғидан эрта айрилган, икки нафар қизини ёлғиз ўзи вояга етказган Гулбаҳор Мирзаева шу кунга қадар «Учқўрғон-ёғ» акциядорлик жамиятига қарашли нотурар жойда истиқомат қилиб келаётган эди.

«Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган, аҳвол тубдан ўзгарди. У ҳам Наманган вилоятидаги 110 нафар уй-жойга эҳтиёжманд хотин-қиз қаторида давлат томонидан уйли бўлди.

Бугун «Аёллар дафтари» кўмагида Гулбаҳор Мирзаева сингари кўплаб эҳтиёжманд оила вакилларининг кемтик қалблари шодликка тўлмоқда. Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили вилоят бўйича 53 минг нафардан зиёд аёлга ёрдам берилган эди, бу йил қамров янада кенгайди.

– Жорий йилнинг январидан бошлаб 700 минг нафарга яқин 30 ёшдан ошган хотин-қиз билан бирма-бир суҳбат ўтказилиб, муаммолари қозоғга туширилди, – дейди «Аёллар дафтари» вилоят штаби масъул ижрочиси Шавкат Қаҳҳоров. – Ўрганиш ишларига 6,5 минг нафарга яқин давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла раислари, хо-



тин-қизлар фаоллари ҳамда ҳоким ёрдамчилари жалб этилди. Худудлардан олинган маълумотларга асосан жорий йилда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлардан 1705 нафарининг муаммолари ҳал этилди. Жумладан, 1557 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, яна 16 нафарига имтиёзли кредитлар берилди. 110 на-

фар уй-жойга муҳтож хотин-қизга эса Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида уй ажратилди.

– Уй-жой билан бепул таъминланган қаторида мен ҳам борлигимдан бағоят хурсандман, – дейди Холисохон Низомова. – Тақдир тақозосига кўра, 20 йилдан буён ижарама-ижара яшаб юрган эдик. Уч хўжалиқдан иборат катта оиламизга бу йил бахт қулиб бокди.

Ҳозирда вилоят бўйича «Аёллар дафтари»га киритилган 81 минг нафар хотин-қизнинг муаммолари бирин-кетин ҳал этилмоқда.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»



Андижон вилояти

ФИДОЙИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Андижонликлар Аббос Бакиров, Сойиб Хўжаев ҳамда Эркин Комилов сингари санъат дарғалари билан ҳақли равишда фахрланишади. Айни кунларда уларнинг издошлари, яъни вилоятда яшаб ва ижод қилаётган санъаткорлар театрга ҳаёт мактабидан сабоқ бериб келишмоқда.

27 март – Халқаро театр кунини муносабати билан Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти бирлашган кўмитаси томонидан театрларда узоқ йиллардан буён хизмат қилаётган бир гуруҳ ижодкорлар махсус диплом ва эсдалик совғалар

билан тақдирланишди. Шунингдек, маданият ва туризм бошқармаси тадбирларида барча муассасалар иш берувчилари ва бошланғич касба уюшмаси раислари иштирокида конституциявий ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоаларга етказиш ҳамда шу

Мансурбек МАТИСАЕВ,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти бирлашган кўмитаси раиси

Тошкент шаҳри

Мусобақа



Соғ танда соғлом ақл

Сергели туманида «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида ўқитувчилар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

300-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган мусобақаларда ўқитувчилар волейбол, мини-футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича ўзаро беллашдилар. Қизғин кечган баҳслардан сўнг мини-футбол бўйича 1-сектор терма жамоаси биринчилиқни қўлга киритган бўлса, волейбол мусобақасида 3-сектор аёллар терма жамоаси ғолиб деб топилди. Шахмат бўйича аёллар ўртасида 300-мактаб ўқитувчиси Моҳинур Қаҳрамонова, эркеклар ўртасида ҳам шу мактаб ходими Жўрабек Мусаева тенг келди-

гани топилмади. Стол тенниси бўйича эркеклар ўртасида 267-мактаб ўқитувчиси Қобилжон Топилов, аёллар ўртасида 47-мактаб ўқитувчиси Марина Курочкина ғолиб сифатида совриндорлар қаторидан жой олишди. Ғолиблиқни қўлга киритганлар Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Сергели тумани кенгаши томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланишди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»





Бухоро вилояти

Ўш авлод қандай фикрда?

Абу Али ибн Сино номидаги Афшона жамоат саломатлиги техникумининг фаоллар залида Ўзбекистон касабаси федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси М. Олимовнинг Пешку тумани ёшлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Муроқот чоғида кенгаш раҳбари, аввало, касабаси уюшмалари фаолиятини яхшилаш бора-бора олиб борилаётган кенгаш кўламли ишлар ҳақида маълумот бериб, ёшлар учун яратилаётган имкониятларга алоҳида тўхталди.

Хусусан, ёш аъзолар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида ташкил этилган ёшлар бирлашмасининг асосий вазифалари ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бирлашма ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, уларнинг меҳнат муносабатларига оид билимларини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, касабаси уюшмалари тизимига ёш, иқтидорли ва интилувчан кадрлар жалб этилишига қўмаклашишга ҳамиша тайёр экани айтиб ўтилди.

Самимий мулоқот тарзида ўтган учрашувда туман ёшлари ўзларини қизиқтирган савол ва тақлифдор билан раисга мурожаат қилдилар. Масалан, «Хўлбор» МФЙ ёшлари етакчиси ҳудуд ёшларини юртимизнинг диққатга сазовор жойларига сەҳа-тини ташкил этишда амалий ёрдам сўради. Кенгаш раиси ушбу масала март ойидаёқ ҳал этилишини қайд этди. «Дейча» МФЙ ёшлар етакчисининг туман ёшлари ўртасида касабаси уюшмаси кубоги учун мини-футбол мусобақаси ташкил этиш тақлифи ҳам раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланди.

Тадбир сўнгида бир гуруҳ фаол ёшлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Достонбек Жўраев, Ўзбекистон касабаси федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Қашқадарё вилояти

ХОДИМЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Айни кез жойларда жамоа шартномаларининг 2022 йилда бажарилишига бағишланган муҳокама кўрсаткичлари давом этмоқда. Янги қабул қилинаётган жамоа шартномалари бандларини ишлаб чиқишда эса шу йил 30 апрелдан эътиборан қучга қирадиган янги тахрирдagi Меҳнат кодексиди дастурилан амал вазифасини ўтамоқда.

Хўш, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ёрқинроқ ифода этиш мақсадида янада такомиллаштирилган Меҳнат кодексиди нималар ўзгарди? Биринчидан, ходимнинг шахсига доир маълумотларини ҳимоя қилиш тартиби жорий этилиб, меҳнатга оид муносабатлар сабабли иш берувчига тақдим этилган, ходимнинг ҳамда унинг оила аъзолари ҳаётига тааллуқли маълумотлар ҳимояси қўлга олинди. Бунда ходимнинг туғилган вақти, битирган таълим муассасаси, ишланган ташкилотлари, телефон рақами, уйланган ёки турмушга чиққан, соғлигининг ҳолати, қариндosh-уруғлари ва шу каби бошқа далиллар иш берувчи томонидан учинчи шахсга қонунга зид тарзда берилиши мумкин эмас.

Иккинчидан, амалдаги Меҳнат кодексига асосан ходимларнинг иллати асосий меҳнат таътили мuddати ўн беш иш кунини ташкил этади. Янги тартибга кўра, йиллик асосий меҳнат таътили давомийлигининг энг кам мuddати йигирма бир календарь кунни этиб белгиланди ва халқаро стандартга мувофиқлаштирилди.

Учинчидан, дам олиш кунни байрам кунига тўғри келган тақдирда, у кейинги иш кунига кўчирилади. Агар дам олиш кунини ишланмайдиган байрам санасига тўғри келиб қолса, байрамдан кейинги иш кунига кўчирилади.

Тўртинчидан, иш берувчи ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш муассасаларида антенатал (туғруқча) парваришlash, яъни перинатал скрининг ва тахис, мажбурий тиббий кўриклар ва бошқа мажбурий тиббий муолажалар учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бериши шартлиги белгиланди. Бу «декрет»,



яъни ҳомиладорлик таътили эмас, ундан ташқари бериладиган ва иш ҳақи сақланадиган бўш кунлардир. Бешинчидан, COVID-19 пандемияси Ўзбекистонда масофавий меҳнатни қонунан йўлга қўйиш зарурлигини исботлади. Янги тахрирдagi Меҳнат кодексига мувофиқ, ахборот-телекоммуникация тармоқларидан, жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш шarti билан иш берувчи ва ходим ўртасида масофавий меҳнат муносабатлари жорий этилиши мумкин. Бу ҳақда шартнома электрон ҳужжатлар алмашинуви орқали тузилади.

Олтинчидан, бизнес ёки бошқа юмуш билан банд шахслар ўз кундалик маиший эҳтиёжларини қондириш учун энага, ошпаз, боғбон, қоровул, оқсоч, ҳайдовчи каби уй ишчиларини ёллашларига тўғри келмоқда. Янги тахрирдagi кодексда бу турдаги ижтимоий муносабатлар қонунан мустаҳкамлаб, уй ишчиларининг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди. Уларнинг ёланиб ишлаш бўйича иш даврлари, башарти ижтимоий солиқ тўлана, меҳнат стажига киритилади.

Еттинчидан, ходимнинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши тартиби аниқлаштирилди. Жорий этиладиган тартибга биноан, айни мақсадда ходим шахсий ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид солувчи, шунингдек, иш берувчининг талабига кўра, меҳнат шартномасида назарда тутилмаган ишни бажаришни рад этиши мумкин. Бу жараёнда у ўзининг бевосита раҳбарини ёки иш берувчининг бошқа вақилини ёзма равишда хабардор қилиб қўйиши талаб этилади.

Баҳриддин Эгамбердиев, Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Китоб тумани кенгаши раиси



Наманган вилояти

Косонсой туманидаги 33-сонли умумтаълим мактабида жамоа шартномаси бажарилиши яқунлиги бағишланган умумий йиғилиш бўлиб ўтди.



ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Унда таълим муассасаси бошланғич касабаси қўмитаси раиси Маҳмуджон Раззоқовнинг ҳисоботи тингланди. Ҳисобот даврида жамоа шартномасида акс этган барча бандлар бажарилгани, ўқитувчиларнинг 80 нафари рағбатлантирилгани ҳамда ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан санаторийларда соғломлаштириш йўлга қўйилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Конференция мобайнида ишчи-ходимлар томонидан бошланғич касабаси уюшма

қўмитаси раиси фаолияти ижобий баҳоланди ҳамда амал қилиш мuddати туаган жамоа шартномасини Меҳнат қонунчилиги асосида янгилаш ва бу борада ҳар бир ходим ўз тақлифлари билан фаол иштирок этиши зарурлиги айтиб ўтилди. Йиғилиш якунида касабаси уюшмасининг янги аъзоларига аъзолик билетлари топширилди.

Алижон Сиддиқов, Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Косонсой тумани кенгаши раиси



Хоразм вилояти

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан ташкил қилинган бу галли тадбирга ўқитувчи ё мураббийлар эмас, тармоқдаги ташкилотларда фаолият кўрсатётган фаррош ва кўча сўпурувчи аёллар тақлиф этилди.

Эъзо3 – Сизнинг камтарин меҳнатларингиз туфайли муассаса ва ташкилотларимиз кўркам, файзли. Демак, кўлга киритаётган ютуқларимизда, шубҳасиз, сизнинг ҳам ҳиссангиз бор, – деди Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова.

Сўзга чиққанлар орастасан аёлларни энг гўзал таърифлар билан алқашди.

– Ўттиз йилдан буюн фаррошлик қиламан. Бугун касабаси уюшмалари меҳнатларимни муносиб баҳолаганидан хурсандман, – дейди Урганчдаги 7-мактаб фарроши Меҳрибон Сапаева.

Тадбир давомида шаҳар кенгаши тасаруфидagi 29 та мактаб, 33 та мактабгача таълим ташкилотиди фаолият кўрсатаётган сариштакли посбонларига касабаси уюшмаларининг эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаббат Тўрабоева «ISHONCH»

Муҳокама



ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Унда таълим муассасаси бошланғич касабаси қўмитаси раиси Маҳмуджон Раззоқовнинг ҳисоботи тингланди. Ҳисобот даврида жамоа шартномасида акс этган барча бандлар бажарилгани, ўқитувчиларнинг 80 нафари рағбатлантирилгани ҳамда ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан санаторийларда соғломлаштириш йўлга қўйилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Конференция мобайнида ишчи-ходимлар томонидан бошланғич касабаси уюшма

Алижон Сиддиқов, Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Косонсой тумани кенгаши раиси

Сўранг, жавоб берамиз

Иш ҳақи сақланмайдиган таътил қандай ҳолларда берилади?

САВОЛ: «Ishonch» газетасининг аввалги сонларидан бирида янги тахрирдagi Меҳнат кодексиди ҳақ тўланадиган асосий меҳнат таътилларига оид янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берилган эди. Иш ҳақи қисман сақланадиган ва сақланмайдиган таътиллари бериш бўйича ҳам ўзгаришлар борми?

Ғузур тумани

ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам жорий йилда қонуний қучга қирадиган Меҳнат кодексиди иш ҳақи сақланмайдиган таътиллари беришга оид бир қатор янги қоидалар кўзда тутилган. Хусусан, қонунда ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш белгиланган. Жамоа келишувлари, жамоа шартномаси ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда (кейинги матнларда – локал ҳужжатлар деб юритилади), улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш имконияти назарда тутилиши ва бундай таътилни календарь йил давомийлигида энг кўп давомийлиги белгила-ниши мумкин.

Ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш ва унинг давомийлиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолда меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ҳал этилади. Ходимнинг унга бундай таътил берилишига розилиги иш берувчига эзма ариза бериш орқали билдирилади.

Локал ҳужжатларда ёки меҳнат шартномасиди иш берувчи ходимнинг илтимосига кўра унга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бери-ши шарт бўлган ҳоллар назарда ту-тилиши мумкин.

Ходимнинг қисман сақланадиган иш ҳақи миқдори ва ҳар йилги меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига иш ҳақи қисман сақланадиган таътилни қў-шиш ёки қўшмаслик тўғрисидаги масала локал ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасиди белгиланади. Бунда **ҳодимнинг сақлиниб қоладиган иш ҳақи миқдори қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўла-нинг энг кам миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас**. Агар ходим иш ҳақи қисман сақланадиган таъ-тилда бўлган даврида меҳнатга ҳақ тўла-нинг энг кам миқдори оши-рилган бўлса, унга кўра ходимга тегишли иш ҳақи миқдори қайта ҳисоб-киتاب қилиниши керак.

Шунингдек, **иш ҳақи сақлан-майдиган таътил тушунчаси ва уни беришнинг умумий тартиби-** га ҳам бирмунча ўзгартриш кири-тилган.

Иш ҳақи сақланмайдиган таъ-тил деганда ходимнинг иш ўрни (лавозими) сақлиниб қолган ҳол-да ҳақ тўланадиган таътил тушунилади. Ходимнинг эзма аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берили-ши ҳам мумкин бўлиб, унинг **дав-вомийлиги** ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у иш ҳақи сақланмайдиган охириги таътил берилган кундан эътиборан **ка-лендарь йил давомида узлук-сиз ёки жамланган ҳолда уч ойдан ошмаслиги керак**.

Агар қонунчиликда бошқача қоиди назарда тутилмаган бўл-са, карантин чоралари амалга оширилиётган, фавқуллода ҳо-лат жорий этилган даврда ва бутун аҳолининг ёки унинг бир қисми ҳаётига ёхуд нормал яшаш шароитларига таҳдид солувчи бо-шқа ҳолларда ходимнинг эзма аризасига кўра иш ҳақи сақлан-майдиган таътилни узлуксиз ёки жамланган давомийлиги кўпай-тирилиши, бироқ у **кўпи билан олти ойгача бўлиши мумкин**.

Булardan ташқари, ходимнинг хоҳишига кўра **иш ҳақи сақлан-майдиган таътил** қуйидагиларга **мажбурий тартибда** берилиши белгиланган:

– 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача;

– I ва II гуруҳ ногиронлиги бўл-ган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача;

– икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани ҳақиқатда парваришлай-ган ота-онасидан бирига (васийси-га), бувисига, бобосига ёки бошқа қариндoshiга;

– ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортқ нафар болани ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиро-нлиги бўлган болани тарбиялаётган ота-онасининг бирига (ота-она-нинг ўрнини босувчи шахсга) – ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача;

– қонунчиликда ва меҳнат ҳақи-даги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган ҳо-ларда бошқа ходимларга.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



Сайлов юқори фаоллик билан ўтди

Еттинчи қақриқ Туркманiston Мажлиси (парламенти) депутатлари сайловиди фука-ролар овоз бериш жараёнида юқори фаоллик кўрсатишди. Бу ҳақда Сайлов ва референдум-лар бўйича комиссия матбуот хизмати хабар берди. Маълумотга кўра, сайловчилар ишти-роки 91.12 фоизни ташкил этган.

Аҳолиси олти миллион икки юз минг бўлган мамлакатда уч миллион 496 минг 475 сайловчи рўйхатга олинган эди. Улар 2 602 участкада овоз беришди. Мамлакатнинг хориждаги ваколатхона-лари хузуриди 42 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Комиссия раиси ўринбосари Амангелди Гандимов таъкидла-ганидек, Туркманiston қонунчилигида иштирок бўйича чегара белгиланмаган. Яъни, неча киши қатнашишдан қатъи назар, сайлов ўтказилган, деб ҳисобланади.

Навбатдаги ракета учирилди

27 март куни ҚХДРнинг иккита баллистик ракетаси, тахминан, 350 км. йўл босиб, Япон денгизига, кун чиқар юртнинг эксклзив иқтисодий зонасидан ташқарига ке-либ тушган. Парвов баландлиги 50 километрни ташкил этган. Бу ҳақда Япония Мудофаа вазирлиги маълум қилган. «Yonhar» агентлиги Корея Республикаси Куролли кучлари штаб бошлиқлари қўмитаси маълумотиға таяниб, тадбир Хванхэ-Пукто провинцияси Чунхва ту-манидан амалга оширил-ганини ёзди. Нашр тахми-нига кўра, бу ҳаракат АҚШ ва Жанубий Кореянинг қўшма ҳарбий мащига қарши норозилик бўлиши мумкин.


Бу йил бошидан бери ҚХДР томонидан учирил-ган ўнинчи ракета.

TikTokни тақиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди

АҚШ Президенти Жо Бай-ден маъмурияти Хитойнинг ByteDance компаниясига қа-рашли TikTok ижтимоий тар-моғига тақиқ жорий қилиш бўйича қонун лойиҳасини қў-лаб-қувватлайди, деди сенатнинг разведка бўйича қўмитаси раиси Марк Уорнер. «Ўйлашима, ушбу қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланади, – деган у CBS News телеканалига

Оламда

берган интервьюсиди. TikTok муаммоси Америкада Дональд Трамп маъмурияти дав-рида бошланган эди. Унга Прези-дент Жо Байден маъмурияти ҳам салбий муносабатда бўлмоқда. Ҳозирда TikTok ижтимоий тармоғидан фойдаланувчилар сони АҚШда 150 миллион киши-дан ошади. TikTokнинг хавфлиги назарда тутилиб, федерал дара-жада давлат электрон қурилма-



ларида тармоқдан фойдаланиш тақиқлаб қўйилган.

ФОЛЬКЕР ТЮРК: МЕН ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАРКАЗИЙ ЎРИН ТУТИШИГА БЎЛГАН ҚАТЪИЙ ИШОНЧИНИ БЕҲАД ҚАДРЛАЙМАН

Шу йил 13-15 март кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк расмий таширф билан мамлакатимизда бўлди. Мўътабар меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилди.

БМТ Олий комиссари таширфи давомида Олий Мажлис Сенати раиси, Олий суд раиси, Бош прокурор, Ташқи ишлар, Ички ишлар ва Адлия вазирлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари билан учрашди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раҳбарияти ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), шунингдек, фуқаролик жамияти фаоллари, аҳоли вакиллари, талабалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан юзма-юз мулоқотда бўлди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари Мирзатилло ТИЛЛАБОВ билан мазкур учрашувлар тафсилоти, мулоқотлар мавзуси ва таширф якунлари ҳақида суҳбатлашдик.

– Фолькер Тюрк сўнги олти йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари борасида амалга оширилган фундаментал ўзгаришларни ижобий баҳолаганига муносабатини қандайдий?

– БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқоти асносида бу ҳақда очиқ баёнот берди. Ушбу баҳо, бир тарафдан, Ўзбекистон томонига ғурур ва ифтихор туйғулари билан бахш этса, иккинчи тарафдан, ишонч ва масъулият юқини янада оширади.

Олий комиссар БМТ тузилмаларининг Ўзбекистондаги ортага қайтмас ислохотларни қўллаб-қувватлашни давом эттириш нияти қатъий эканини тасдиқлади. Инсон ҳуқуқларини мониторинг қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва пенитенциар муассасалар ходимларини ўқитиш бўйича кўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар ўз таширфи юзасидан ўтказилган брифингда, жумладан, шундай деди: «Инсон ҳуқуқлари ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида марказий ўрин тутмоғи лозим. Мен олий комиссар сифатида янги ислохотлар шароитида Ўзбекистон барча аҳоли вакиллари муносиб ва тўлақонли яшаш имконини тақдим этишига ишонаман».

– Узаро мулоқотларда жорий йил 30 апрелда референдумга қўйиладиган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»и Конституциявий қонун лойиҳасининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам фикр алмашилди?

– Албатта. Аввало, Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича тавсияларини йўлагани учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарига миннатдорлик билдирди. Ушбу тавсиялар янги Конституция лойиҳаси матнини маромга етказишда ҳисобга олигани маълум қилинди.

Меҳмонларга Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳасида Омбудсманга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилиши назарда тутилгани хусусида ҳам ахборот берилди. Бундай муҳим конституциявий ҳуқуқ фуқаролар мурожаатларини ўрганиш давомида қонун ҳужжатларида аниқланган бўлишларини тўлдиршига хизмат қилади.

Мамлакатимизда очиқлик сиёсатини давом эттириш мақсадига янги Конституция лойиҳасига фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш ва жамоатчилик назорати институтини янада ривожлантиришга қаратилган нормалар киритилмоқда.

Булларнинг барчаси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссарининг: «Ислохотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг тўлақонли иштирокини таъминлаш учун давлат муассасалари керакли шарт-шароит яратиши керак», деган тавсиясига айланиши манадир.

– БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари таширфидан кўзланган асосий мақсад нима?

– Албатта, таширфининг бош мақсади Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, бу борадаги ислохотларнинг қатъийлигига беvosита ишонч ҳосил қилиш ва Узаро ҳамкорлигимизнинг ҳозирги ҳолати натижадорлигини таҳлил этган ҳолда, истиқболдаги ишларимизнинг асосий йўналишларини белгилаб олишди. Ф.Тюрк ва унинг делегацияси аъзолари иштирокидаги барча мулоқотларда айнан шу мавзуда сўз юритилди.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбеки-

стон Республикаси Миллий марказида бўлиб ўтган учрашувда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этгани таъкидланди. Миллий стратегияда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўлишларини, камчиликларни бартараф этиш очик-ойдин кўрсатилгани уни амалда таъбиқ этишни осонлаштиради.

Мамлакатимиз БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари доирасида инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича зиммасига олган ҳалқаро мажбуриятларини бажариб келмоқда. Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси кўмағида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Универсал даврий ҳисоботи механизми доирасида берилган тавсияларнинг бажарилиши бўйича ўз маърузаларини тайёрлаш борасида илгор давлатлардан бирига айлангани ҳам буни тасдиқлайди.

– БМТ Олий комиссарининг Ташқи ишлар вазири ва Омбудсман билан учрашувларида инсон ҳуқуқлари мавзусининг айнан қайси жиҳатлари муҳофиза қилинди?

– Ташқи ишлар вазириликда Ўзбекистон билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси ўртасидаги ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналишлари кўриб чиқилди. Хар икки томон сўнги йиллардаги алоқаларимиз Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотларни давом эттиришдаги қатъиятини намоян этишни эътироф этдилар.

Ўз навбатида, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан учрашувда Омбудсман институтининг асосий фаолият йўналишлари, жумладан, мурожаатлар билан ишлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик, ҳаракатлини эркинлиги чекланган ёпик муассасаларга амалга оширилаётган мониторинг таширфлари ҳақида маълумот берилди.

– БМТ Олий комиссари билан Сенатда бўлиб ўтган учрашувининг энг муҳим жиҳатларини қисқача санаб берсангиз?

– Биринчидан, Фолькер Тюрк Ўзбекистонда гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасида эришилган натижаларини ва ҳозирда амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни билдирди.

Иккинчидан, Олий комиссар Ўзбекистоннинг можаролар юз берган зоналардан аёллар ва болаларни қайтариш, уларни жамиятга реинтеграция қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо бериб, бу борада амалга оширилаётган ишлар кўплаб давлатлар учун намуна эканини эътироф этди.

Учинчидан, суҳбат чоғида хотин-қизларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтириш, ижтимоий-инклюзив муҳит ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Шу ўринда БМТ Олий комиссари гендер тенглик масаласини Ўзбекистон Президенти қабулидан токи бошқа учрашувларда ҳам эътибор марказида тутганини таъкидлаш зарур. Кейинчалик журналистлар билан мулоқотида БМТ Олий комиссари бу хусусида: «Мен (музокаралар чоғи) сиёсий соҳадан ижтимоий йўналишга қадам – жамиятнинг барча жаҳасида гендер нотенглигини бартараф этиш масаласини кўтардим. Президент ва Сенат Раисининг ушбу нотенгликни бартараф этиш борасидаги қатъий иродасини олқишлай-

ман. Гендер зўравонлиги учун жиноий жазо жорий этиш бўйича якуний режими ҳам ижобий баҳолайман», деб таъкидлади.

– Фолькер Тюркнинг Олий суд раиси билан учрашувда ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг ҳозирги замон талаб ва мезонларига жавоб берадиган тизимини шакллантириш борасида амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар ҳақида сўз борган. Шундай эмасми?

– БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий жиҳатлари билан таништирилди. Соҳадаги ушбу туб ислохотлар одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга, шунингдек, суд ҳокимияти мутақиллигини, судлар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини мустаҳкамлашга, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

Мўътабар меҳмонга сўнги олти йил мобайнида бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан қабул қилинган 50 дан ортқ қонун, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида маълумот берилди. Янада муҳими, Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳаси бу борадаги илгор нормалар билан тўлдирилмоқда.

– Қийноққа қарши кураш соҳасида қандай музокара олди борилди?

– Маълумки, Ўзбекистон Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистон Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки қадр-қимматни таққирловчи турларига қарши конвенциянинг Факультатив протоколига қўшилишига оид ташаббусни илгари сурди. Айни вақтда мазкур ташаббусни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

БМТ Олий комиссари билан Миллий марказда бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимизнинг Қийноқларга қарши конвенция Факультатив протоколига қўшилиши йўлидаги ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида БМТ махсус процедуралари билан амалий мулоқотини давом эттириши ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳалқаро майдондаги имижини янада яхшилаш нуктаи назаридан, ушбу Факультатив протоколнинг ратификация қилиниши мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

– Қийноққа қарши кураш мавзуси яна қайси учрашувларда муҳим қилинди?

– БМТ Олий комиссари ўз таширфи якунлари бўйича брифингда: «Ўзбекистон қийноқларнинг олдини олиш ва мониторинг қилиш бўйича муҳим механизм ҳисобланган Конвенциянинг Факультатив протоколининг ратификация қилиниши шиддатли ҳолатда ваъда олди. Мен умид қиламан ва ишонаманки, бу ваъда тез фурсатда амалга ошади. Негаки, сўздан кўра амалиёт ҳақида муҳим бўлиб келган», деб қайд этди.

Бунга қадар 13 март куни Ф.Тюрк мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбарлари билан учрашувда ҳам, жумладан, ушбу масалани кўтарди. Миллий марказда ташқил этилган учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, Адлия вазири ва Ички ишлар вазири иштирок этди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида самарали давлат сиёсатини юритишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими алоҳида ўрин тутди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича



Олий комиссари билан мулоқот асносида ушбу тизимнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги иштирокига дахлдор масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Жумладан, Ф.Тюрк инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, фуқаролик бўлмаган шахслар сонини камайтириш, хорижий юртларда қийин шароитга тушиб қолган ватандошларимизни мамлакатга қайтариш ҳамда жамиятга тўлақонли мослашини таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотларни ижобий баҳолади.

– БМТ Олий комиссарининг Нукусга сафари қандай ўтди?

– Ф.Тюрк 14 март куни Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси А.Оринбоев билан учрашди.

БМТ Олий комиссари Бошқармаси делегацияси аъзолари бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида минтақа аҳолиси ҳаётининг фаровонлигини ошириш, саноатни тараққий эттириш ва инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилаётган тизимли сиёсатнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Олий комиссар Қорақалпоғистонга сафари, ушбу учрашувнинг ташқил этилгани ва инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун мамнуният изҳор қилди.

Олий комиссар Фолькер Тюрк бошчилигидаги делегация Нукус шаҳридаги «Амударё» маҳалласи фаоллари билан учрашди. Учрашувда маҳалланинг обрў-эътиборли ва ёши улуг инсонлари иштирок этди.

Мулоқот асносида давлат томонидан аҳолининг камбағал ва эҳтиёжманд қатламларига маҳалла орқали тизимли ёрдам кўрсатилаётгани, маҳалла аҳли дуч келадиган кундалик муаммо ва ҳаётини масалалар ечимида мазкур ўзини ўзи бошқариш институти ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

– И.В.Савицкий номидеги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи БМТ Олий комиссарида қанчалик манзур бўлди?

– БМТ Олий комиссари Нукусга сафарининг маданий жиҳати хусусида маъруза музейи зиёратига ўтказган бир неча учрашувларидан ҳам тўхталди. Ф.Тюрк, жумладан, «Ушбу сафарим доирасида Савицкий музейини томоша қилиш имконияти туғилганидан мамнунман, чунки ушбу маскан – маданий ҳуқуқнинг ўзига ҳос тимсоли бўлиб, бундай бей маданий мерос билан яқиндан танишиш мен учун шараф ва ифтихордир», деди.

Айни чоғда, сафардан мақсад факат учув

дунёга машҳур музейни томоша қилишдангина иборат эмасди. Бинобарин, И.В.Савицкий номидеги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари иштирокида катта бир тадбир ўтказилгани бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Тадбир Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллигига бағишланди. Унда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ф.Тюрк «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари» мавзусида маъруза қилди.

Миллий марказ томонидан И.В.Савицкий музейи билан ҳамкорликда онлайн ва офлайн тарзда ташқил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон ёшлари вакиллари – юртимиздаги юридик соҳадаги олий ўқув юртларидан (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Термиз ва Нукус), шу жумладан, қорақалпоғистонлик талабалар қатнашди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ф.Тюрк талаба-ёшларнинг қўллаб-қувватларига жавоб берди.

– БМТ Олий комиссари ўз таширфи давомида фуқаролик жамияти фаоллари билан мулоқотларга ҳам алоҳида эътибор қаратганини нима билан изоҳлайсиз?

– Гап шундаки, Ф.Тюрк ушбу лавозимга сайланиши билан мазкур БМТ Бошқармасида тараққийнинг янги стратегияси, яъни фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги шерикликни кучайтириш мақсади белгилаб олинди. Бундай янги ёндашув асосидаги ҳамкорлик, ўз навбатида, бутун дунёда инсон ҳуқуқларини янада тўла таъмин этишга яқиндан хизмат қилмоқда.

Шу маънода, Олий комиссар ўз таширфининг бошидаёқ фуқаролик жамияти фаоллари ва норасмий шахслар билан учрашди. Таширф якунида эса фуқаролик жамиятининг узвий қисми бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ташқил қилди.

Бундай ёндашув Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган изчил сиёсатга уйғун ва ҳамохангидир. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий комиссар Фолькер Тюрк билан суҳбати асносида кейинги йилларда БМТ билан ушбу соҳадаги ҳамкорликда юксак даражага эришилганини мамнуният билан қайд этиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ ҳамохан бўлган Ўзбекистондаги ислохотлар стратегиясининг бош устувор йўналиши эканини таъкидлагани бежиз эмас.

Ғулом МИРЗО
суҳбатлашди

БУГУН...

Қурбонлар бор

Ўтган ҳафта Афғонистонда руй берган кучли жала натижасида юзага келган су-тошқинлари ва зилзила оқибатида тўққиз киши қурбон бўлган, яна 74 киши жароҳат олган. Табиий офат мамлакатнинг қўллаб-қувватларига зарар келтирди, дея маълум

қилган Афғонистоннинг табиий офатларга қарши курашиш вазирлиги вакили Хасибуллага Шайхани РИА Новостига. Унинг таъкидлашича, Афғонистоннинг 34 та провинциясида 23 тасида табиий офат қайд этилган.



2050 йилда дунё аҳолиси сони қанча бўлади?

Агар ҳозирги ривожланиш тенденциялари давом этса, дунё аҳолиси 2050 йилда 8,6 миллиардга етиши ва 2100 йилга бориб 7 миллиардга тушиши мумкин. Бу ҳақда 27 март, душанба куни Британиянинг New Scientist журнали хабар берди. 2022 йил ноябрь ойида БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолиси 8 миллиарддан ошиб кетган.



Миссисипида ҳалокатли торнадо

Сўнги маълумотларга кўра, шанба кунига ўтар кечаси АҚШ жанубида кузатилган ҳалокатли торнадо оқибатида Миссисипи ва Алабама штатларида камида 26 киши ҳалок бўлган.

Миссисипи штати ҳукумати фавқулодда ҳолат режимини жорий этган, омон қолганларни қидириш ишлари давом этмоқда.


Миссисипи штати губернатори Тейт Ривз Силвер-Сити ва Вайнонга ташриф буюриб, табиий офатдан жабр кўрган аҳоли вакиллари билан учрашган. Ривз твиттердаги саҳифасида юзага келган вазиятни фоҳиа деб атаган.

АҚШ президенти Жо Байден жабрлан-

ган ҳудудлар аҳолисига ҳамдардлик билдирди. У Миссисипидан юракин эзувчи кадрлар келганини айтиб, федерал ҳукумат жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун барча имкониятни ишга солишини маълум қилди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Ҳозирги ёшлар ростида нам китоб ўқимайдими?..

Мулоҳаза

Охирги пайтларда катта ёшлилардан, ҳатто, ўқитувчилардан ҳам «Ёшлар китоб ўқимайди, улар телефон ва интернет билан овора», деган таънаомуз гапларни кўп эшитамиз. Мен бу гапга тўлиқ қўйилмайман. Негаки, Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонага қачон кирмайин, кўплаб талабаларни кўраман. Уларнинг қай бирлари жаҳон адабиётига оид бадий асарни ўқиётган, бошқалари IELTSга тайёрланаётган бўлади. Ўзим ҳам бу йилги қишки таътилдан қайтгач, то дарслар бошлангунга қадар ҳар кунни дугоналарим билан бирга китоблар дунёсига қатнадим. Ўша кезлар кутубхона жуда гавжум эди. Ҳатто, ўриндиқлар етмай қолган, айрим йигит-қизлар ерда ўтириб, дарс қилган пайтлар ҳам бўлди.

Мен ўшуб маърифат даргоҳи китобхоналари ўртасида ўзимча кичкина сўрвонмома ўтказдим. Улардан не сабаб кутубхонага келишлари, бу ерда қандай қулайликлар мавжудлиги, муассаса ходимларининг хизмат кўрсатиши, муомаласи қай даражадалиги ҳақидаги фикрларини ўргандим. Ҳар бирдан ҳар хил жавоб олдим.

Ризо АҲМАД, филология фанлари доктори, профессор, ёзувчи:

– Рус тили ва адабиёти бўйича мутахассисман. 50 йилдан буён олий ўқув юрталарида ишлаб келаман. Миллий кутубхонада баъзи газета-журналлардан фойдаланиб, ижод қиламан. Интернетга уланган компьютерлар орқали зарур маълумотларни топиб, фикр-мулоҳазаларимни бойлашганман. Мен деярли ҳар кунни эрталаб кутубхонага ошиқман. Бу ерда ишлайдиган ходимларнинг муомаласи ҳам, мижозлар учун яратилган қулайликлар ҳам яхши. Шу боис кўп нарсаларни бемалол ўқиш, ижод қиламан. Масалан, бир сафар Сурхон воҳасида ажойиб урф-одат борлигини эшитиб қолдим. Унга кўра, тўй кунини 6-7 нафар қиз бир хонада паранжи ёпиниб ўтирар, кўёв кириб, юзини кўрмаган ҳолда ўз қайлиғини топши керак экан. Агар адабсиз, бегона қизга пул берар, бу ҳолат бўлажак рафқасини топгунча давом этар экан. Ўшуб аънана мени қизиқтириб қўйди. Шу боис кутубхонада керакли маълумотларни тўллаб, улар асосида навбатдаги ҳикоятимни ёздим.

Равшан ОБИДОВ, ТДИУ сиртки бўлим талабаси:

– Мен ҳам куннинг асосий қисмини ё университет кутубхонасида ёки Миллий кутубхонада ўтказаман. Улардаги оқсоғишчалар, биров-бировага ҳалақат бермаслиги, айниқса, тенгқурларимнинг дарс қилишлари мени жуда руҳлантиради. Лекин бир муаммодан қийналамман. Биласиз, чет тилини ўрганиш учун мобил алоқа воситаси жуда зарур. Баъзан телефоннинг қуввати тугаб қолса, режалаштирган дарсларимни тугатолмайман. Телефонимни қувватлантирай десам, кутубхона ходимлари руҳат беришмайди. Компьютеримни эса,

олиб келолмайман, қуввати тез тугайди. Қарабсизки, дарслар ўлда-жўлда қолади.

Менимча, «розетка»лар кўпайтирилиб, улардан фойдаланишга изн берилса, айни муддао бўларди. Нусхаси компьютердан кўчирилган IELTSга оид китобларни олиб киришда доимо муаммога дуч келаман. Ходимларнинг бири «Китоб олиб кириш мумкин эмас!» деса, иккинчиси «Унга муҳр бостириб келинг, шунда мумкин», дейди. Бошқаси кейинги сафар китобнинг муҳр босилган варағини йиртиб ташлайди. Оқибатда эса, китобхоналарнинг ҳафсаласи пир бўлади.

Лайло АБДУЛЛАЕВА, Тошкент давлат кимё-технология университети талабаси:

– Тошкентлик бўлганим сабабли ўқишга уйимиздан қатнайман. Бу – яхши, бироқ эл қатори яшаганимиз боис ўзим ёқтирган, жаҳон адабиётига дахлдор асарларни дўкхонлардан сотиб олишга мўлжал тополмайман. Шу боис уларни кутубхонага келиб ўқийман. Бу даргоҳга қадам қўйишим биланоқ кўнглимда алланечук хотир-жамликни ҳис қилиб, руҳиятимда ўзгариш сезаман. Зеро, кутубхона мен учун энг севимли маърифат масканига айланган.

Холмурод (Сурхондарё вилояти):

– Пойтахтга чет тилини ўрганиш умидида келганман. Немис тилидан курсга қатнайдим, уни яхши ўлаштираётган, Германияга кетмоқчиман. Миллий кутубхонага тез-тез келиб тураман. Негаки, мен уни инсон дўққатини жамлайдиган, ўзини ва ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қила оладиган, истаган китобини топиб ўқиш имконига эга маскан деб биламан. Мен дарсларимни 2-3 соатда тугатиб, кейин бадий

асарлар ўқишга киришаман. Айни кезларда Тоҳир Малик ва Саъдий Шерозий китоблари мутлоаси билан бандман.

Иброҳим ДАВРОНОВ, ЎЗЖОКУ талабаси:

– Абутуриентлик давримда деярли барча кутубхоналарга кирдим, лекин Миллий кутубхонага тенглаша оладиганини кўрмадим. Менга, аввало, ундаги муҳит ва шароитлар ёққади. Хусусий ўқиш китобхонасини хонадан ҳар қанча тинч, шароитлари жуда яхши бўлса-да, барибир, нимагадир қалғийсиз. Гоҳ телевизор кўриб, гоҳ қўл телефонинингизни ёки компьютерингизни тутқилаб, қимматбахо вақтингизни бой берасиз. Шунданми, мен уйда эканлигимда ўзимни негидир ялқовлардек ҳис қиламан. Кутубхонада эса, бошқалар сингари вақтдан унумли фойдаланиш пайида бўламан. Уйда уч-тўрт соатда ҳам қилмайдиган дарсини бу ерда бир-бир ярим соатда тугатман. Ҳар сафар коммуникация, турли дунёқарашдаги инсонлар билан фикр алмашиш танҳо дарс қилгандан кўра фойдалироқ эканлигига ишонч ҳосил қиламан.

Албатта, иш бор жойда хато-камчиликлар ҳам бўлади. Миллий кутубхона ҳам бундан мустанно эмас. Лекин маънавиятни юксалтирувчи ва аҳли башариани тараққиётга етакловчи зийли масканларига тез-тез бориб, ўзи ёқтирган асарларни ўқиган киши асло кам бўлмайди.

Гулшано АЛИЖОНОВА, ЎЗЖОКУ талабаси

Эҳтиёт шарт



БЕЪЪТИБОР БЎЛМАЙЛИК

Кундалик ҳаётимизни зангори оловсиз тасаввур этиш қийин. Аммо оловдан тўғри фойдаланишимиз, мунтазам хавфсизлик чораларини кўриб юришимиз жоиз. Ҳўш, бунинг учун нима қилмоқ керак?

Энг аввало, хоналарни айниқса, ошхонани тез-тез шамоллатиб туриш лозим. Дудбўронларни йилда ҳеч бўлмаса бир мартаба тозалаш керак. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларнинг бўлиши муқаддимат тўғри эмас. Сал учкун чиқса, ёниб кетадиган синтетик кийим-кечаклар, бўёқ маҳсулотлари, юмшоқ мебелларнинг газ плиталари ва электр иситкичлардан узоқроқда сақлаш даркор.

Вояга етмаган болаларни қаровсиз қолдириш, уларни гуфурт билан ўйнашга шароит яратиш ҳам ёнғин келиб чиқишига асосий омилларидан бири. Имконият бўлса, хонадонларга ёнғин хавфсизлиги сигналли, ўт учирини мосламаси ўрнатилиш мақсадга мувофиқ. Борди-ю бунинг илоҳи бўлмаса, уйда ўт учирини туртиши фойдалан ҳоли эмас.

Хуллас, ёнғин хавфсизлигига шунчаки беъътйбор бўлмай, ўз уйимизни ўзимиз асрасак, бош чангаллаб қолмаймиз.

К.КАРИПОВ, А.ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Биносида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш биринчи бўлинмаси мутахассислари

Сўнги пайтларда тобора яшариб бораётган, ҳатто 40 ёшлиларда ҳам кўзатилаётган қон қон босими кўтарилиши билан боғлиқ касаллик ҳалқ тилида хафақон, тиббиётда артериал гипертония деб аталади. У асабийлашиш, нотўғри овқатланиш, кам ҳаракатликлик каби сабаблар тўғрисида кўп оқишлар тўғрисида артериал қон босимининг 140/90 мм. симоб устунидан олиши унинг асосий белгиси саналади. Бу ҳасталик оқиба-тида юрак-қон томирлар, бош мия, буйрак ва кўз ҳам шикастланиши эҳтимолдан холи эмас.

Артериал гипертониянинг илк даврида парҳезга жиддий эътибор қаратиш, шифокорлар маслаҳатига риоя қилиш орқали унинг олдини олиш мумкин. Бу АҚШнинг кўплаб тиббиёт марказларида ўтказилган тадқиқотлар жараёнида исботланган. «Гипертонияни даволовчи парҳез» («DASH») касалликнинг нафақат биринчи, балки иккинчи ва учинчи bosқинларида ҳам фойда берган.

Россиялик профессор Анатолий Скальнининг таъкидлашича, парҳезда туз миқдорини камайитиришнинг ўзи етарли эмас. Унинг муҳим жиҳати натрийнинг зидди саналган магний ва калийга тўйинган маҳсулотлардир. Масалан, магний қон томирларини бўшаштириш, асабини тинчлантириш, стресс ҳолатини сустайтириш ва қон босимини тушириш хусусиятларига эга. Шунингдек, у танадаги 300 та ферментга таъсир кўрсатиб, диабет ва буйрак тоши касалликларини олдини олади.

Инсон вужудда моддалар алмашинуви, ҳужайралар кўпайиши ва нобуд бўлиши билан боғлиқ кимёвий жараёнлар рўй беради. Жумладан, магний ва калийнинг биргаликдаги шитироқи сабабли организмдан ортиқча натрий чиқиб кетади. Шунингдек, уларнинг етарли миқдорда бўлиши юрак-қон томир касалликларидан вафот этувчилар сонини камайтиради. Бу моддалар мева-сабзавотларда, ловия, мош, нўхат каби донларда, ёнғоқ ва пистада кўп бўлади. Магний ёғсиз гўшт, парранда гўшти, балик ва денгиз маҳсулотларида ва бугдой кеплагада ҳам сероб. Гипертоник касалликка йўлиққанлар



ХАФАҚОННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ

ўзларини ширинликлар ва зарарли ёғлардан тайёрланган маҳсулотлар истеъмол қилишдан тийишлири керак. Масалан, товуқ гўшти тановул қилганда, унинг энг ёғли ҳисобланган терисини ажратиб лозим. Ёғлар бу паррандан қаноти ва оёғидан кўра, кўкрак қисмида кам тўпланади. Курка гўшти эса товۇқникига нисбатан анча фойдалироқдир.

Дон ёрмаларида калий ва магнийдан ташқари клетчаткалар, В гуруҳига мансуб витаминлар, макро ва микро элементлар мавжуд. Парҳезда ҳар хил ёрмалардан қайнатиб пиширилган бўтқаларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Охирги йиллардаги илмий изланишлар натижасида лавлаг ва унинг шарбати, шунингдек, какао қон томирларини кенгайтириши аниқланди. Чунончи, какао таркибидеги флавоноидлар 12 соат давомидан қон босимини кўтарилишига йўл қўймайди. Шунга кўра, гипертонияда кунига икки финжон какао ичиши айни муддаодир.

Тадқиқотлардан аён бўлишича, таркибда 85-99 фоиз какао бор аччиқ шоколад ҳам фойдалидир. Қайнатилган картошка эса калий ва какаоинга бойлиги боис қон босимини бир маромда ушлаб туради. Агар у қайнатилгандан сўнг бир кун сақланса, таркибидеги семиршига олиб келувчи углеводлар камаяди.

Албатта, касалликни даволашдан кўра, олдини олган маъқул, – дейди кардиолог врач Омонулла Жўраев. – Бунинг учун артериал гипертониянинг илк аломатлари сезилиши биланоқ шифокорга учрашиб, ҳасталик омилларини бирга-

Саломатлик

лиқда бартароф этиш, зарур дориларни мунтазам ичиб юриш, парҳезга риоя қилиш керак. Лундасини айтганда, бу ҳасталикни тузатиш эмас, доимо назорат қилиб бориш, асоратлари олдини олиш лозим.

Баъзи одамлар «Қон босимини юқори бўлса ҳам, ўзимни ёмон ҳис қилмайман, даволанишим шарт эмас», дейишади. Гипертониянинг бундай турида қон босими меъьеридан юқори бўлса-да, кишига сезилмайди. Шу боис кўпчилик унга нисбатан эътиборсиз бўлади. Омонулла Жўраевнинг уқитиришича, бу ҳолат қон босимининг узоқ вақт мобайнида аста-секин олиб бориш, сезувчи аъзоларнинг унга мослашиши билан изоҳланади. Ўзини соғлом ҳисоблайдиган ўша инсоннинг қон босими тинч ҳолатда 140/90 бўлса, стресс ёки юқори ҳаракатчанликда 180/100 дан ошади. Қолаверса, ҳеч ким кутилмаган стресслардан ҳимояланмаган, айрим ҳолларда қон босими ҳатто 220/110 га ҳам кўтарилади. Бундай босимга артериал дош беролмай ёрилади. Шу тариқа бош мия инсульт ёки миокард инфаркти ривожланади. Юқори қон босимини сезмайдиганлар кўпинча миокард инфарктини бошидан ўтказганини билишмайди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, соғлом турмуш тарзи, зарарли одатлардан холи бўлиш, тўғри овқатланиш, спорт билан шуғулланиш, стресслардан ўзини ҳимоялаш хафақон касаллигининг олдини олувчи муҳим чоралардир.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади



Сўзаналарда юрак тафти бор

Ўзбек аёллари азалдан ўзининг қадимий аъналарига эга бўлган амалий-безак санъати – каштачилик билан шуғулланиб келишган. Шағталар гўзаллиги, безак-нақшлари ва техник усулларининг кўпчилиги ва қадимлиги билан ноёб саналади. Энг муҳими, аёллар унга бор меҳри, юрак тафтини беради. Шу боис уларда гўзал ҳислар акс этади.

Айниқса, кашталардаги сўзаналарда олам-олам сир-синоат илми яширинади. Ҳар бир нақш гули гиёҳи асрий чашмалардан сув ичган табиатнинг ўзидан, кўкдам кўздан ранг олади. Зеро, бу ранглар бутун борлиқни ифодалайди. Сўзана – бу поэзия, ўзбек аёли ипақларидан тўқилган дoston унинг инжа ҳис-туйғуларини, теран ўй кечинмаларини, кенг дунёқарашини, юксак бадий маҳоратини ифодалайди. Уларда каштачининг оламини кўра билан олиш, идрок этиш, одамнинг ички кечинмаларини, жамият ва ўша хонадондаги муҳитни, дунёвий ва бадийий билимларини англаш мумкин. Немис сайёҳи ва тадқиқотчиси Фон Шварцотнинг каштали жиҳозини кўриб, Туркистон аёллари ранг танлашда шақларга маъно юклатишда Европа расомларидан ҳам моҳирроқ экан, деб ёзган эди.

Моҳир уста оқ ва малла бўзга табиий бўёқлар билан бўйланган ипақ иплардан туширган бигизли нақшлар гуёки она табиат яратган чаманзордек туюлади. Сўзаналардаги ҳар бир тасвир ўзига хос рамзий маънога эгадир. Доирасимон фалак ва унинг остидаги гуллар ям-яшил буталар ва шоҳлар, гунчалар, барглар, бодом ва қалам-пирлар, қушлар ва кўзачалар бизни мўъжизакор олам сари етаклайди. Камалаксимон рангларнинг бир-бирига ҳамоҳанглиги иссиқ ва совуқ бўёқларнинг усталик билан алмасиши юксак уйғунликни кашф этади. Чунки унинг сехри шундаки тўқувчининг меҳри, расомнинг ички кечинмалари, тикувчининг қалб кўридан яратилган сўзаналар сўнмас бўлади.

Улар минг йиллардан бери ўзининг жозибаси, сехрини йўқотмай келади. Ўзбек аёллари ишлаган сўзаналар Германия, Япония, Буюк Британия, Франция, Россия, Шотландия, АҚШ каби қатор давлатларда ҳам ўзгача қизиқиш билан ардоқланиб, асраб-авайланмоқда.

Марҳабо МАФДИЕВА, Низомий номидаги ТДПУ Бошланғич таълим факультети ўқитувчиси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жомаси университети касба уюшмаси компьютер асоси раиси Давлат Матякубова акиси

Раҳмат РЎЗМЕТОВ вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

Эълонлар
Янгийул шаҳар, «Муствақиллик» маҳалласи, «Узумзор» кўчаси, 59-уй, 74-хонадон учун Дустиродов Абуаббар Хаитов ўғли 2019 йил 27 мартда берилган KSH № 013908 TS-рақамли «Турайиш ҳади шартнома»нинг асл нусخаси йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Барча ҳўжалик юритувчи субъектлар диққатига!
Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «SHOH-PANEL» МЧЖнинг «SHOH-POLON M» МЧЖга қўшилиши муносабати билан хуқуқий воясиз бўлган «SHOH-POLON M» МЧЖга унинг барча қарз ва мажбуриятлари ўтатилади.

Давлолар +99893 31-21-79 телефони орқали қабул қилинади.



ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Farg'onaviy viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Muallif fikr tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchesi muharrir: A. Abdurahmonov

Musahhhilar: D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 18:30
Topshirildi – 18:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kod: 00959, STR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-313 Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6 Umumiy adadi 31359 14535 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonani manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.